Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 4 март, жума № 53 (21.657). Сотувда эркин нархда.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

МОСКВА, 3 март. (ЎзА мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади). Кеча тушдан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдин билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка оид кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Шу куни иқтисодий интеграцияни кучайтиришга қаратилган бир қанча ҳужжатлар, жумладан, икки томонлама солиқ олмаслик ҳақида, ташқи ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги, бож сиёсатини мувофиқлаштириш тўғрисида ва бошқа бир қанча битимлар имзоланди.

Россия оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг ташрифига кенг ўрин ажратмоқда. Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланиши МДҲ доирасида имзоланган иқтисодий иттифоқ ҳақидаги шартноманинг амалий ифодаси бўлганлиги таъкидланмоқда.

Бугун эрталаб Ўзбекистон Президенти Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Шундан кейин катта Кремль саройида Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясини расмий кузатиш маросими бўлди. Маросим тугагач, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасига келди. Бу ерга Москванинг давлат, сиёсат, жамоат ва маданият арбоблари тўпландилар. Ўзбекистон раҳбари республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг дастлабки натижалари, Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишидан икки томон ҳам манфаатдор эканлиги хусусида сўзлади.

Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи бугун ниҳоясига етади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида ва меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп истакларини инобатга олиб, Республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 5 мартни иш куни деб эълон қилиш ҳамда дам олиш кунини 1994 йил 7 мартга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Ташкилий масала

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

● Халқ депутатлари Бахмал тумани кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Ҳ. Аширқулов бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Вилоят мева-сабзавот ва узумчилик саноати бирлашмасининг бошлиғи бўлиб ишлаб келган Х. Суюнов Бахмал тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сессияда нутқ сўзлаб, иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш, қўшимча иш жойлари очиш, мева-сабзавот, узум ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб берадиган қўшма ва кичик корхоналар ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш туман меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Сессияда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев қатнашди.

НАВРЎЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Самарқанд ва Наврўз. Бу икки тарихий калиманинг теран томирлари бир-бирига чирмашиб кетган. Шу боис кўҳна шаҳарда қадимий удумнинг ўз ўрни бор. Наврўз тақиқланган йилларда ҳам самарқандликлар уни яширинча бўлса-да, нишонлаганликлари фикримизнинг исботидир. Хўш, мустақилликнинг учинчи йилида меҳнат ва баҳор байрамига қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Бу ҳақда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси аъзоси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Акрам ХУДОЙҚУЛОВ қуйидагиларни гапириб берди.

— Гарчи тавқимда наврўз бир кун деб кўрсатилса-да аслида ота-боболаримиз унга ойлаб тайёргарлик кўришган. Биз халқ сайлига тайёргарликни бошлаб бордик. Пахтачидаги Қизбуви тоғларидан Ургутдаги Тўпхонага қадар 300 километр йўл. Ана шу масофадаги барча қишлоқ, гўша, кўрғонларда наврўз меҳнат ва баҳор байрами сифатида нишонланажак.

— Вилоят ҳокими қарорида Чўпонота алоҳида тилга олинган...

— Чўпонота Самарқанднинг дарвозаси ҳисобланади. Шу боис галдаги наврўзни ана шу ерда ўтказишга келишдик. Чўпонота Наврўз баҳонасида ўзининг Темурий давридаги қиёфасига қайтади. Махсус режага кўра қирнинг атрофида 100 гектарлик боғ барпо этилади. Энг баланд жойига эса халқ қаҳрамони Спитамен ҳайкали ўрнатилади. Ҳайкал тўрт тарафдан ҳам яққол кўриниб туради. Унинг атрофи фаввора, шаршара, гуллар бўлади.

Ҳар бир туман Чўпонотада бўлажак тантаналарга ўз шароитига мос томошалар тайёрлаяпти. Кўпроқ миллий қадриятлар, анъаналар, мусобақа ва ўйинларга ўрин берилади. Кўпкари, қўчқор, хўроз уруштириш, арқон тортиш, байтбарак, «келин кўрди», «юз очди», ҳунармандлар танлови, таомлар кўргазмаси шулар жумласидандир. Бундан ташқари, санъаткорларимиз махсус дастур тайёрлашяпти.

— Байрам тилагингиз...

— Бундай ўйлаб қарасам, вилоятимизда Наврўз ҳар йили бирорта бунёдкорлик ҳаракатига сабабчи бўлаётган экан. Масалан, 1992 йилда айнан Наврўз баҳонасида Амир Темурнинг боғларини қайта тикладик. Ўтган йили эса у Регистон кўркига кўрк қўшди. Байрам муносабати билан йиғилган маблағдан обидаларни таъмирлашга эришдик. Демак, Наврўзнинг ҳар бир они яхшиликка, яратишга, эзгуликка йўғрилган. Ана шу туйғулар бизнинг қалбимизни тарк этмасин дейман...

Чўпонотага баҳор яна эрта келди. Ҳа, бу ерда экилган дарахтлар аллақачон заминга томир отган. Чўпонотани обод қилаётганлар қалбида эса ҳақиқий наврўзона, яъни яратувчилик кайфияти ҳукмрон...

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Марғилон атлас тўқиш фабрикаси маҳсулотлари ҳамиша харидоргир. Кўриб турганингиздек, у ёш танламайди. Айниқса, қиз-жувонлар кийган ҳарир атлас кўйлаклар йигитларнинг кўзларини ўйнатишини айтмайсизми? Баҳорда боғлар гўзал бўлганидек, атлас либосли қизлар ҳам янада гўзалдир.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзА) олан сурат.

● ХДП ҳаётидан

МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШ

Ўзбекисон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши ҳузурида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари туман ва шаҳар кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби А. Мирқосимов кириш сўзи билан очди. Самарқанд вилояти партия кенгашининг биринчи котиби Йўлдош Суюнов йиғилганларни семинар дастури билан таништирди.

Шундан сўнг кенгаш иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги «Ўроқ ва Болға» консерва комбинати, чинни заводи ҳамда Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги, Ургут тамаки фабрикаси бошланғич партия ташкилотларида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар билан яқиндан танишдилар ва ўзаро фикр алмашдилар.

Сўзга чиққанлар республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш, республика Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш масалалари юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинар-кенгаш иштирокчиларида Ургут туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалигидаги кичик ва қўшма корхоналар фаолияти, Ғўс қишлоғида ва Ургут шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ҳамда ободончилик ишлари катта таассурот қолдирди. Улар Челак туманидаги Хўжа Исмоил ал-Бухорий масжидини зиёрат қилдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ХДП Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг биринчи котиблари Ж. Нуруллаев, Б. Рўзиев ва И. Суюновлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби А. Мирқосимов якунловчи нутқ сўзлади.

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ,
ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг масъул ходими.

ХОТИН-ҚИЗЛАР—«МУЛОҚОТ» КЛУБИ МЕҲМОНИ

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши қошидаги «Мулоқот» клубининг навбатдаги машғулоти Алишер Навоий номли вилоят кутубхонасининг катта залида иш олиб борди.

Чунки бу галги машғулот давраси ҳар қачонгидан ҳам кенг бўлиб, унда вилоят хотин-қизларининг ижтимоий фаоллиги ҳақида гап борди. Кенгашда юзга яқин хотин-қиз иштирок этди. Мунозаларда сўзга чиққанлар ҳозирги даврда аёлларимиз олдида турган муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритдилар ва ўзаро баҳслашдилар.

Шу куни вилоят партия ташкилоти ХДПга аъзо бўлиб кирган 34 нафар қиз-жувонларга партия билетларини топширди. Билетларни ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Собиржон Усмонов топширди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Иқтисодий ислоҳот одимлари*

БУЛОҚНИНГ КЎЗИ ОЧИЛДИ

Ҳар кимнинг бахтини берсин экан. Қамаши тумани заршунослари ўтган йили қаттиқ меҳнат қилдилар. Республикада иккинчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддалашди. Туман таржиман ҳолида дастлабки бор қирқ минг тонналик марра эгалланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг табрикномасини олишга муяссар бўлишди. Ғалла, пилла ва сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштиришда ҳам салмоқли натижаларга эришилди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессиясида туман меҳнаткашлари шаънига илиқ сўзлар айтилди. Тўғри, илгарилари туман, шаҳар-қишлоқлардан турли мазмундаги шикоятлар вилоят ва республика мўътабар идораларига кетма-кет оқиб борарди. Оддий зоотехникликдан хўжалик раҳбари ва ҳокимлик лавозимига кўтарилган Рашид Бозоров туманнинг қаерида аҳвол қанақалигини беш бармоқдек билиб олди.

Бошқа бир ижтимоий масала бор. Раҳбарнинг обрўси. Одамлар орасида бўлиш. Халқ орасига кириб бориш, улар билан яқин муносабат, тўй-маъракасида ҳамдардлик раҳбарга обрў келтиради.

Ҳа, аҳилликда киши ишни бўлдиради, режаларни тўлдиради. Ижтимоий масалаларни бир кун ёки бир ойда битказиш қийин, албатта. Бунинг учун аввало маблағ керак. Маблағ етишмаслиги важидан қурилишлар тўхтаб қолганди. Ариза ва шикоятар ҳам шунинг оқибатида вужудга келганди.

Кенгашиб бир хулосага келинди. Маблағ топиш учун иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, изчил иш олиб бориш керак. Туманда иқтисодий тараққиётнинг аниқ дастури ишлаб чиқилди. Илк ҳаракат тадбиркорликка кенг йўл очишдан бошланди. Одамларда мулкка эгалик ҳисси пайдо бўлди. Айниқса, хўжаликларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, чорва фермаларининг жамоа аъзоларига ҳиссадорлик мулки қилиб берилиши тарихий иш бўлди. Қисқаси, булоқнинг кўзи очилди. Ер, мулк эгасини топиб, улардан самарали фойдаланила бошлади.

«Кенгашли тўй тарқамас», деганларича бор. Президентимиз Ислом Каримов ўтган йил июнь ойида туманда бўлганида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иш услубини шакллантириш юзасидан ҳокимга ва бошқа раҳбарларга қимматли маслаҳатлар берди. Шу асосда иш тутиш туфайли барча хўжаликларда, корхона ва ташкилотларда иқтисодиётнинг устивор йўналишларини таъминлашда илк натижалар кўзга ташлана бошлади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини яратиш, рақобатлашадиган тармоқларни вужудга келтириш, хусусийлаштиришни кенгайтириш ўзининг ижобий самарасини берди.

Саноат, савдо, маиший, хизмат кўрсатиш тармоқлари, қурилиш ва таъмирлашда, кичик корхоналар, хусусий дўконлар, ҳиссадорлик жамиятларида 750 нафар киши меҳнат қилди. Шу ўринда қувончли рақамлар кўзга ташланади. 1993 йили улар 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Жумладан, 1,6 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Аҳолига 101,6 миллион сўмлик савдо ва маиший хизмат кўрсатилди.

Кичик корхоналар иқтисодиётда ўз ўрнини эгаллаб боряпти. «Сарвиноз» кичик корхонаси беш киши билан иш бошлаганди. Ҳозир 72 кишилик йирик жамоага айланди. Бичиқчилик-тикувчилик билан шуғулланаётган бу жамоанинг даромади 1 миллиард сўмга етди.

Келаётган даромад ҳисобига аҳолининг турмуш тарзи яхшиланмоқда. Ўтган йили 1 миллиард 146 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Тўхтаб қолган қурилишлар кетма-кет ишга тушди. 1324 ўринли 4 мактаб, 4 чойхона, нуроний лар маскани, 6 та хусусий дўкон, 32 минг 122 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. 900 хонадон газлашди. 33 километр масофага водопровод қувури ётқизилди.

Даромад ортган сари қийин муаммоларни ҳам ҳал этиш мумкин бўлиб қолди. Бир неча йиллар илгари «уйимиз чўкармиш» деган «миш-миш»лар чиқди. Қамаши шаҳрида яшовчилар ваҳимага тушиб қолишди. Чиндан ҳам зах сув чиқиб, айрим кўчалардаги эски уйлар чўка бошлаганди. Бунинг олди олинди. Ер ости сувини қочиришга киришилди. 900 метрдан ортиқ масофада ёпиқ зовур барпо этилди. Гулшаний кўчасида сув оқизиш учун икки километрдан зиёд масофада бетон нов ўрнатилди. Энди меҳнат ва манзарали дарахтлар ниҳоллари ўтқазиладиган бўлди. Кўчалар кўркамлашади. Йўллар асфальтланиб, тартибга келтирилмоқда.

Туман иқтисодиётдида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллайди. Ялпи пахта ҳосили 40 минг тоннага етди. Бу—режа 125,5 фоиз бажарилди, деган гап. Яна 23 минг тонна дон, 863 тонна картошка, 6 минг 805 тонна сабзавот, 2019 тонна гўшт, 8113 тонна сут етиштирилди...

Биз, қаламкашлар: «бу ютуқларнинг сири нимада?» деган савол беришга одатланиб қолганмиз. Фикримизни англагандек, туман ҳокими Рашид Бозоров мийғида кулиб, гап бошлади:

— Биз энг аввало жонкуяр, ишбилармон ва ташаббускор кадрлар қатламини шакллантирдик. Иқтисодиётни ривожлантиришда ўшаларга таянамиз. Ютуқлар уларнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги эвазига юзага келмоқда. Масалан, «Ғаллакор» давлат хўжалиги директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Раҳматулло Омонов, «Фарғона» жамоа-ширкат бошқаруви раиси Ибодулла Ражабов, «Наврўз» жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Хуррам Маманов, «Оқрабод» жамоа хўжалиги раиси Муҳаммади Сиддиқов, «Чим» жамоа хўжалиги раиси Абдулла Ҳақбердиев каби қобилиятли раҳбарларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар туманнинг оғир юкини енгил қилувчи норлар ҳисобланишади.

Келгусида ғалла майдонлари янада кенгайтирилади. Йиллик ялпи ҳосил 55-60 минг тоннага етказилади. Бунинг учун 12,5 минг гектар унумдор ер ўзлаштирилади. Ғалла билан ўзимизнигина эмас, қўшни туманларни ҳам таъминлаймиз.

Туман қишлоқларида саноат ҳам жадал ривожланади. Туркиянинг «Бурсел» фирмаси билан ҳамкорликда халқ истеъмоли буюмлари фабрикаси қуриляпти. Ускуна ва жиҳозлар ҳиссадорлик йўли билан пахта толаси эвазига хориждан олинаяпти. Корхонада минг киши меҳнат қилиши мўлжалланмоқда. Пахта тозалаш заводи ҳузурида Россия ва бошқа давлатлар билан бирга йигирув-тўқув фабрикаси барпо этилмоқда. Фабрика йилига 250 тонна ип йигириб, 2,5 миллион метр газлама тўқийди. Хуллас, ўнлаб кичик корхоналар, жумладан 15 миллион дона ғишт ишлаб чиқарувчи 2 та завод, макарон корхонаси, сабзавотни қайта ишлаш корхоналари қурилади. Шу тариқа Қамаши янада яшнайди. Булар қамашиликлар бахти, истиқболи, фаровон ҳаёти учун хизмат қилади.

Ҳоким ўринбосари тадбиркор ва ишбилармонлар ҳақида сўзлаб, бир-икки рақамни тилга олди:

— Бу йил кичик корхоналаримизда, — деди Э. Эшматов, — 2 минг 93 нафар киши меҳнат қиляпти. Улар 5 миллиард сўм ялпи даромад оладилар.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. У телефон гўшагини қулоғига тутаркан: — Марҳамат, келинг, ҳал қилиб берамиз, — деди ва бизга юзланди. — Хусусий мулк эгаларидан бирови кичик корхона қуришга ер сўраяпти. Нима ҳам дердик, уларни қўллаб-қувватлаймиз.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ОНА ВАТАН

● Миннатдорчилик

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЖАВОБ МАКТУБИ

● Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 43-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчилари давлатимиз бошлиғи номига Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ёшларнинг комил инсон бўлиб камол топишида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва меҳрибонлик учун миннатдорлик мактуби йўллаган эдилар.

Куни кеча Президентимизнинг дил сўзлари, самимий истаклари битилган жавоб мактуби тантанали равишда ўқувчиларга топширилди.

● Самарқанд шаҳар Боғишамол туманидаги 9-ўрта мактаб ҳаётида ҳам унутилмас воқеа юз берди: шу мактаб 6-синф ўқувчиси Баҳора Аҳмедованинг ҳам Президентимиз номига йўллаган хатига жавоб мактуби олинди.

● Фармон амалда

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

● Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноати мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техник тузатиш давлат-ширкат қўмитасининг йиғилиши бўлди.

Унда ўтган йил якунлари ҳамда Президентимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Қўмита раиси Р. Ҳусанов шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар қўмитага қарашли корхона ва ташкилотлар бултур 73 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлагани, ишлаб чиқаришнинг ўсиши 24,4 фоизни ташкил этганини таъкидладилар. Кейинги вақтда 50 дан ортиқ машина ва механизмлар ўзлаштирилди. Шу билан бирга, сервис хизмати тармоқ корхоналари, бир қанча вилоят бирлашмалари тижорат-таъминот ишларигагина зўр бераётгани, товар-моддий бойликларнинг қийматини ва устама нархларини ошириш ҳисобига молиявий аҳволни яхшилаб олишга уринаётгани қаттиқ танқид қилинди.

Йиғилишда тузилмани бозор муносабатларига янада мослаштириш мақсадида корхона ва ташкилотларни эркин ҳиссадорлар уюшмасига бирлаштириш борасидаги чора-тадбирлар белгиланди.

● Ёшларга ғамхўрлик

ИЖОДКОРЛАР УЙИ

Республика Президентининг ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонига биноан Фарғона шаҳрида 30 оилага мўлжалланган янги уй қуриб битказилди.

— Университетни тугаллаб Фарғонага ишга келганимга 10 йил бўлди, — дейди шоир Зуфаржон Султонов. — Шунча йиллар давомида 50 чақирим масофадан қатнаб ишладим. Бугун эса қўлимга уч хонали уйнинг калити тегди. Хурсандман.

Вилоят ҳокимлиги шунингдек, ёш ижодкорлар асарларини нашр этиш учун 5 миллион сўм маблағ ажратди.

● Кўклам тараддуди

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР-КЕНГАШ

● Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси Пахтакор тумани ҳудудида жойлашган Акмал Икромов номидаги пахта тозалаш заводида уруғлик чигитни экишга тайёрлаш бўйича республика кўргазмали семинар-кенгаши ўтказди.

Уни республика қишлоқ хўжалиги вазири Н. Қаюмов бошқарди.

Кенгаш мазкур корхонада ўтказилгани бежиз эмас. Бу ерда Жиззах вилояти хўжаликлари учун зарур уруғлик чигитнинг 90 фоизи тайёрланади, қўшни вилоятларга ҳам сара уруғлик жўнатилади.

● Тантанали кеча

ШОИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

● Республика байналмилал маданият марказида атоқли татар шоири Муса Жалил таваллудининг 88 йиллигига бағишланган кеча бўлди.

Тошкентдаги татар ижтимоий-маданий маркази раиси Фуат Аҳмадуллин шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирди. Муса Жалилнинг сафдоши Гараф Фахруддинов шоир ҳақидаги хотираларидан сўзлаб берди.

Кечада Муса Жалил шеърлари янгради, уларга басталанган қўшиқлар ижро этилди.

(Мухбирлар, ЎзА хабарлари ва хатлар асосида тайёрланди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

• *Ватан туйғуси муқаддас*

МУСТАҚИЛЛИК ВА АНЪАНАЛАР

Мустақиллик туфайли халқимизнинг илгари унутилган ёки тазйиқ орқали ман қилинган анъаналари тикланяпти, қадриятларимиз юзага чиқяпти. Анъаналар ижтимоий ҳаётни кўп томонларига оид бўлиб, мамлакатда, ҳар бир минтақада, шаҳар, туманларда, қолаверса, қишлоқларда мавжуд. Шундай ажойиб, ўзига хос анъаналар борки, уларни ўрганиш, тегишли хулосалар қилиш катта илмий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон халқларининг анъаналарига янги икки буюк сана — Мустақиллик куни — 1 сентябрь ва Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь қўшилди. Бу икки сана бир-бири билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон халқларининг катта байрамларидир. Ҳар иккала сана умумхалқ, давлат байрамлари, деб эълон қилинди.

Яқин ўтмишда собиқ Иттифоқнинг ва унинг таркибидаги республикалар Конституцияларини дунёда энг демократик, мисли кўрилмаган Конституциялар дейилар эди. Лекин амалда бундай эмаслиги эндиликда ҳаммага аён бўлди. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси ҳақиқатан ҳам ўзига хос Конституция бўлиб, халқаро синовдан ўтган. Ана шу Конституцияни ҳақиқий, демократик, жаҳон конституцион тараққиёти савиясидаги Конституция деб, аташга ҳақлимиз. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясининг муҳим қоидаларидан бири — инсон ҳуқуқларини ўзида кенг ифода этишидадир.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида халқаро ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш Конституциямизнинг муҳим қоидасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилиш ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб, муҳим анъанага айланмоғи лозим. Ўз навбатида, Республикамиз Конституцияси янги анъаналар учун муҳим манбадир. Конституциянинг кўпгина моддалари анъаналарни қонун сифатида ифодалайди. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Конституцияси ва унга асосланиб қабул қилинган қонуний ҳолатларда ўзбек халқининг кўпгина, айниқса янги анъаналари ўз ифодасини топган. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи, Давлат Герби ва Давлат Мадҳиясининг қонуний тасдиқланиши муҳим воқеа эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилингандан кейин Ўзбекистон Давлат Байроғи, Давлат Герби ва Давлат Мадҳияси ҳақида қабул қилинган Қонунлар биринчилардан бўлиб, ниҳоятда катта конституциявий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи, Давлат Герби ва Давлат Мадҳиясининг лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, сўнгра Республика Олий Кенгашида: Давлат Байроғи 1991 йил 18 ноябрда, Давлат Герби 1992 йил 2 июлда, Давлат Мадҳияси 1992 йил 10 декабрда тасдиқланди ва улар ҳақида махсус Қонунлар қабул қилинди. Қонунларни амалга ошириш тартиби ҳам белгиланди. Давлат Байроғи Президент Маҳкамасида, Олий Мажлис биносида, Вазирлар Маҳкамаси биносида, барча давлат органларининг биноларида, ҳокимиятлар биноларида доимо ўрнатилади. Байрам кунлари турар-жой биноларида, кўчаларда, майдонларда ўрнатиб қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи қиёфаси барча фуқароларга сингиб борянти, фуқароларнинг унга меҳри ортяпти. Эндиликда Давлат Байроғи ҳар бир хонадонда алоҳида жойларда сақланиши анъанага айланса, ажаб эмас. Шу муносабат билан Республика Давлат Байроғини ҳар хил ҳажмда ва етарли даражада ишлаб чиқариш тегишли корхоналарнинг муҳим вазифасидир. Давлат Герби ҳам Давлат Байроғи сингари катта аҳамиятли рамздир. Кўпинча Давлат Байроғи билан бир қаторда Давлат Герби ҳам ифода этилади.

Шу билан бирга Давлат Гербининг алоҳида хусусиятлари ҳам бор. Давлат Герби Президент ҳокимиятини амалга оширишда, ҳокимият органларини, ижро этувчи органларни, суд, прокуратура ва шунга ўхшаш барча давлат органларининг фаолиятини расмий ҳужжатларда ифода этишда асосий далил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси эндиликда ўз миллий валютасига эга бўлиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Бу республикамиз мустақил давлат эканлигининг муҳим белгисидир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Давлат Байроғи, Давлат Герби ва Давлат Мадҳияси ҳақидаги қонунларни яхши билиши, бу қонун, қоидаларга қатъий риоя қилиши, Давлат Байроғи, Давлат Гербини эъзозлаши, Давлат Мадҳияси матнини (сўзини) ва оҳангини яхши билиши, ижро этишда иштирок этиши муҳим анъанага айланмоғи лозим.

АҚШ, Франция, Англия, Германия сингари мамлакатларда Давлат байроғига бўлган муносабатдан ўрнак олса бўлади. Иттифоқ мавжуд даврда асосий эътибор собиқ СССР герби, байроғи ва гимнига берилар эди. Иттифоқдош республикаларнинг Давлат рамзлари номига эди, холос.

Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи БМТ биносида, бошқа давлатларнинг байроғи қаторида 1992 йил 2 мартидан буён ҳилпираб турибди. Бу билан республика барча фуқаролари ҳақли равишда фахрланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи ҳақиқатан нуфузли, кўркам байроқ. Халқаро ҳуқуқий муносабатларда Ўзбекистон Давлат Байроғининг аҳамияти катта. Ўзбекистон Давлат делегациялари, Президент ўз сафарларида унга ажратилган қароргоҳда, фойдаланиладиган транспорт воситаларида, музокара ўтказиладиган жойда Ўзбекистон Давлат Байроғи ўрнатилиши, қўйилиши керак. Ўзбекистоннинг ажнабий давлатлардаги элчихоналарида ва бошқа вакилликларида ҳам Давлат Байроғи доимо ўрнатилган бўлади. Ўзбекистон Республикаси маълум халқаро анжуманда қатнашса, шу бинода ҳам Ўзбекистон Давлат Байроғи қўйилиши керак. Бу билан Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб, халқаро муносабатда тенг ҳуқуқли эканлиги, Давлат делегациясининг даҳлсизлиги ифода этилади.

Худди шунга ўхшаш Давлат Мадҳиясининг ҳам аҳамияти катта. Мадҳия Ўзбекистон Давлат делегациясини, Президентини кутиб олиш, кузатишда, қабул қилувчи мамлакатда ижро этилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси мамлакатимизда муҳим маросимларда ижро этилади. Алоҳида ҳолларда Мадҳия матни хор ижросида ҳам айтилади. Давлат Байроғига, Давлат Гербига ва Давлат Мадҳиясига бўлган муносабат Она-Ватанга бўлган севгини ифода этиш анъанасидир. Бундан буён мамлакат ички ҳаётидаги муҳим маросимлар ҳам Ўзбекистон Давлат Байроғи мавжуд ҳолда ўтади. Масалан, судьяларнинг қасамёд қилишлари Ўзбекистон Давлат Байроғи олдида ўтказилади. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, эндиликда халқаро спорт мусобақаларида республика вакиллари ғолиб чиқиб совринга эга бўлсалар, Ўзбекистон Давлат Байроғи тантанали равишда Давлат Мадҳияси ижро этилган ҳолда кўтарилади.

Норвегияда олимпиада чемпиони Лина Черязова шарафига мамлакатимиз Байроғи кўтарилиб, Давлат Мадҳияси садолари янгради.

Мутафаккирлардан бири «ҳаётда давлат қонунларидан ҳам муҳимроқ қонунлар мавжуд бўлиб, улар, одатда, мармарда ёки мисга битилмаслиги, балки фуқароларнинг қалбидан жой олишлигини» эътироф этган. Бу ерда гап қонунларни камситиш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Халқимизда шундай ажойиб анъаналар борким, улар қандайдир расмий ҳужжатларда қайд қилинган эмас. Лекин улар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келган. Бундай анъаналар, айниқса, урф-одатга, хулқ-атворга, фуқароларнинг ўзаро муносабатларига, оила қуришга, ота-оналарни эъзозлашга оиддир.

Анъаналар ҳар хил вақтда ва ҳар бир жойда ижобий бўлавермайди. Афсуски салбий анъаналар ҳам ҳаётда мавжуддир. Ижобий анъанага бир мисол: шогирднинг устозга бўлган ва устознинг шогирдга бўлган муносабати алоҳида ўринни тутади. Ота-оналаримиз ўз фарзандларига маълум ҳунар ўргатиш учун устозга «эти сизники, суяги бизники», деб топширар эканлар. Бу гаплларда чуқур маъно бор. Бу билан халқимиз устозга бўлган муносабатни ифода этади. Устоз, агар у ҳақиқий устоз бўлса, шогирдига қўлидан келганича ёрдам бериб, ўз билимини, ўз тажрибасини шогирдига ҳам ўтказади. «От босмаган жойни той боссин», деганларидек, устоз шогирдини ўзидан ҳам ўзиб кетишини истайди. Шунинг учун ҳам устоз маълум даражада отадан ҳам афзал, деб қаралади. Улуғ мутафаккирларимиз — Алишер Навоий, Ибн Сино, Улуғбек ва бошқалар устозга нисбатан муносабатда, устозни эъзозлашда намуна бўлганлар.

Шогирдни устозга нисбатан қандай муносабатда бўлишини улуғ Амир Темур мисолида кўриш мумкин. Амир Темурнинг бир неча устози бўлган: Шайх Зайниддин, Шамсуддин Кулор, Сайиид Барака, Аҳмад Яссавий. Амир Темур ўз устозини «Пирим» деб атаган ва ҳамма вақт маслаҳатлашган ва миннатдорчилик изҳор қилган. Амир Темур, масалан, ўз «Тузуклари»да бундай деган: «Пирим Зайниддин Абу Бакр Тоибодий менга ёзмишларким..., салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни 1- кенгаш, 2- машвару маслаҳат, 3- қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик, 4- эҳтиёткорлик». Амир Темур ўз фаолиятида устози кўрсатиб берган йўл-йўриқларга амал қилган. Ва ниҳоят, мақбарада Амир Темурнинг жасади Самарқандда вафот этган устози Сайиид Барака қабрининг оёғига қўйилган.

Шогирдлар ўз устозларига нисбатан муносабатни белгилашда тегишли ахлоқий қоидаларга риоя қилмоқлари лозим. Гап устоз олдида тиз чўкиш, бўлар-бўлмасга мақтайбериш, лаганбардорлик қилиш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Гап шогирдни устоз меҳнатини қадрлаш, уни ҳурмат қилиш, қолаверса, устозига нисбатан нотўғри муносабатда бўлмаслик ҳақида боряпти. Афсуски, айрим шогирдлар (улар кўп бўлмай, битта бўлса ҳам ачинарли ҳол) ўз манфаатларини кўзлаб, амал йўлида устоздан юз ўгириш, уни унутиб қўйиш, устозга нисбатан номуносиб хатти-ҳаракатларни содир қилишгача борадилар. Ўз шахсий манфаатларини Ватандан афзал кўрадилар. Бу ниҳоятда қораланиши керак ва шундай шогирдларни «оқпадар» деб атаса бўлади.

Устознинг шогирдга бўлган меҳри, меҳнати, берган сабоқларини қадрлаш анъанага айланиши керак. Энг асосийси, устоз берган билимларни, у ўргатган ҳунарни амалда қўллаш, жорий қилиш.

Шуни айтиш керакки, одатда «устоз» тор маънода қаралиб, фан соҳасида илмий раҳбарлик қилган ёки ҳунар ўргатган шахсни тушунилади. Тўғри, устозни қайд қиладиган қоидалар бор. Масалан, диссертацияга раҳбарлик қилган шахснинг номини кўрсатиш. Лекин, устоз тушунчаси кенг қаралиши керак. Тиббиёт дунёсида Абу Али Ибн Сино, адабиётда Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирлар, билвосита бўлса ҳам, ҳақиқий устозлардир.

Устоз мактабда, олий ўқув юртида, саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигида, транспортда, бошқа ташкилот, муассасаларда, жамоат ишларида бўлади. Яъни, ҳаётнинг барча соҳаларида устознинг ўрни катта. Ўзи бошқа касб эгаси бўлса ҳам устоз ҳисобланадиган табаррук шахслар кўп.

Юқорида айтилганидек, ҳамма анъаналар ижобий бўлавермайди. Анъаналар халқ хизматида бўлса, мамлакат тараққиётига кўмаклашса, шундагина улар ижобий анъаналардир. Афсуски, баъзи бир сабабларга кўра, салбий анъаналар ҳанузгача мавжуд бўлиб, булар жамиятга, халқимизга фақат зарар келтиради. Ижобий анъаналарни кенг йўлга қўйиш, ривожлантириш, улардан фойдаланиш, уларни қўллаш қанчалик зарур бўлса, салбий анъаналарга қарши курашни шунчалик кучайтириш керак.

Салбий анъаналар, бошқа ибора билан айтганда, иллатлардир. Улар кўпми-озми, ундан қатъи назар, ривожланишимизга тўсиқлик қилади. Шу боис иккита салбий анъана ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Биринчи салбий анъана — яқин қариндош билан оила қуриш, никоҳда бўлиш тажрибасини олиб қарасак: халқимизда узоқ вақтлардан бери ака-ука, опа-сингиллар орасида қуда бўлиш одат бўлган. Ўз вақтида бунга сабаб мулк, айниқса ер муаммоси бўлгандир. Лекин қони яқин кишиларни никоҳда бўлиши ниҳоятда зарар. Бунинг руҳий, ахлоқий томонлари бор. Яқин қариндошларнинг никоҳда бўлиши кўпгина кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Бунинг энг салбий, жиддий оқибати — бундайлардан кўпинча ногирон фарзандлар туғилади. Агар қуда бўлган қариндошлар орасида низолар келиб чиқса ва оқибатда оила бузилиб, иш ажралишгача борса, яқин жигарлар «қуда бўлдинг-жудо бўлдинг», деганларидек, юзкўрмас бўлиб кетадилар. Бу масала мамлакатимизда соғлом авлод манфаатлари йўлида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолардан биридир.

Маълумки, республикамизда соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган бир неча муҳим тадбирлар кўриляпти. «Соғлом авлод учун» ордени, Болалар жамғармаси, хотин-қизларга яратилаётган шароитлар, экология муаммоларини ҳал қилиш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирий чоралар шулар жумласига киради.

Юқорида келтирилган асослар яқин қариндошларни никоҳ қуришини ман қиладиган тегишли тадбирий чоралар кўрилмоғи лозим деган хулосага олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг «Оила ва никоҳ» Кодексида, бошқа ҳуқуқий нормаларда қони яқинларнинг никоҳда бўлишини ман қиладиган қоидаларни кўзда тутмоқ ниҳоятда зарур, деб ўйлаймиз. Тегишли идоралар, айниқса, Маориф, Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари тизимида эса, маълум ишлар олиб борилиши, оила ва никоҳга оид маърузалар, суҳбатлар ўтказиш, иложи бўлса, ўқув юртларида бунга оид маълум ҳажмда дарслар киритилса, фойдали иш бўлар эди. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг эса шу иллатнинг келажак авлоднинг соғлом бўлишига зид эканлигини ҳар тарафлама асослаб, тегишли хулосалар қилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Яна бир иллат — лаганбардорлик, хушомадгўйликдир. Уни халқимиз ёқтирмайди. Шу боис 1993 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг Баёнида ҳар бир ҳадимизни, амалга ошираётган ишимизни минглаб синчков кўзлар кузатиб турганини ҳис қилардик. Ишни биринчи навбатда байналмилал муносабатларни шакллантиришдан бошладик.

Шаҳар осойишталигини сақлаш, биринчи навбатда турли миллат ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида байналмилал тарбияни шакллантиришни талаб этарди. Бу ўринда шаҳар партия кенгашининг шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари шаҳар кенгаши ўртасидаги ҳамкорлиги ҳар томонлама қўл келди. Олий ўқув юртларида ва ётоқхоналарда талабалар билан меҳнат ва уруш фахрийларининг учрашувларини ташкил этдик. Тез орада дастлабки самаралар кўзга ташлана бошлади. Қарши Давлат дорилфунуни, педагогика ва тиббиёт билим юртларининг талабалари ўртасида партия сафига ўтиш истагини билдирган ёшларнинг аризалари бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида кўриб чиқилди ва ижобий ҳал этилди.

Шаҳар партия кенгаши ижроия бюросининг қарори билан ёшларнинг дам олиш ва овқатланиш шароитини яхшилаш мақсадида шаҳар партия кенгашининг «Энг яхши ётоқхона» совринни таъсис этилди. Дастлабки совриндорлар аниқланиб, уларга мукофотлар топширилди. Аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ночор оилалар, етим болалар ҳамда бева-бечора, ногиронлар шаҳар партия кенгаши оталиғига олинди. 20 нафар етим болага шаҳар партия кенгаши томонидан ютуқли омонат дафтарчалари топширилди.

Шаҳар партия кенгаши Қарши нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси ҳамда Қарши ёғ-экстракция заводи бошланғич партия ташкилотларининг аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ночор қатламларини ҳимоялаш борасида ташкил этган ишлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Орттирилган тажрибани барча бошланғич партия ташкилотларига кенг ёйиш юзасидан қарор қабул қилинди. Кейинчалик бу борада ташкил этилган ишлар юзасидан «Узбекнефтегазгеология», «Қаршиқурилишиндустрия», «Темир йўл», «Вилоят автотранспорт бошқармаси» бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботлари тингланди. Шу-шу шаҳар партия кенгаши йирик корхона ва ташкилотларда кўчма ижроия бюро йиғилишларини, бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинар-кенгашларини ташкил эта бошлади. Унинг дастлабки натижалари кўзга ташланди. Энг асосийси, халқ ишончини қозона бошладик.

Шаҳар партия кенгаши ўз фаолиятининг учинчи йўналиши этиб, фуқаролар онгига Ватан, Давлат Байроғи, Герби, Мадҳияси, Ўзбекистон Конституцияси ва Республика Президентига бўлган ҳурматни сингдириш, деб белгилади. Бу соҳада тарғибот ва ташвиқот воситаларининг барча синаган усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Оғзаки ва кўргазмали тарғибот, ташвиқот, оммавий тадбирлар, партия аъзолари билан юзма-юз суҳбатларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасида кўрсатилган ва кўтариб чиққан ғояларни сингдиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, янги йилдан мунтазам равишда раҳбар-партия аъзоларини суҳбатдан ўтказа бошладик. Бунда йирик корхона ва ташкилотни бошқараётган партия аъзоларининг дунёқараши, тушунчаси, ўз онгини бойитиш жараёнида қайси нашрлар билан мунтазам танишиб бораётганлиги аён бўлади.

Бугунги кунда шаҳар партия кенгаши ҳисобидаги 208 та бошланғич партия ташкилоти ўз сафига 4024 нафар аъзони бирлаштирган. Шулардан 782 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Қарши шаҳар партия кенгаши ўз аъзоларининг сони жиҳатидан республикада Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Сафларимиз янада ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида шаҳар партия кенгаши иш фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, унинг дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш ниятида ишлаётган эканмиз, шиоримиз битта: «Партия обрўси — менинг обрўйим».

Музаффар ТУРОПОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

Янгийўл туманидаги «Қовунчи» жамоа хўжалиги ҳудудида пишлоқ тайёрлайдиган кичик корхона фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда ҳар куни 130 килограмм тотли пишлоқ тайёрланмоқда. Яқин келажакда корхона ходимлари сузма ва сариёғ тайёрлаш учун технологик линияларни ўрнатишни мўлжаллаб қўйишган.

СУРАТДА: пишлоқ тайёрловчи Мираб Чкадуа ва ишчи Азиза Имомбердиева пишлоқ сифатидан мамнун.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

МЕҲР-МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ

ХДП Сирдарё вилояти кенгаши «Наврўз» байрами арафасида меҳр-мурувват тадбирларини ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Бу тадбирлар икки босқичда ўтказилади. Жумладан, биринчи босқичда ХДП шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар бу ишга бел боғлаган ва пул ўтказишга қарор қилган ташкилотларнинг имкониятларини ўрганиб чиқадилар. Шу билан бирга ўз ҳудудларидаги ёрдамга муҳтож оилалар ва хонадонларни ҳам аниқлайдилар. Иккинчи босқичда эса, «Наврўз» байрами арафасида тайёрланган совғалар, ҳокимиятларнинг вакиллари, эл-юрт оқсоқоллари билан ҳамкорликда ўз эгаларига топширилади.

ХДП вилоят кенгашининг қарорига биноан, кенгаш аъзолари, фаоллар болалар уйлари ва бошқа шу каби муассасалардаги шароитларни ўрганиб, уларга оталиқ ташкилотларини биркитмоқдалар.

ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Собир Усмоновнинг таъкидлашича, ўтган йил вилоят бўйича бу ишларга жами ўттиз миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган эди. Бу йил ҳам меҳр-мурувват тадбирларига сарфланадиган маблағларнинг бундан кам бўлмаслиги кутилмоқда.

У. АБДУЖАЛИЛОВ.

• *Партия обрўйи—менинг обрўйим*

ИШОНЧНИ ҚОЗОНЯПМИЗ

Халқ бизга нигоҳини қадаган дамлар, биз ўзимизнинг ҳар бир қадамимизни, амалга ошираётган ишимизни минглаб синчков кўзлар кузатиб турганини ҳис қилардик. Ишни биринчи навбатда байналмилал муносабатларни шакллантиришдан бошладик.

Шаҳар осойишталигини сақлаш, биринчи навбатда турли миллат ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида байналмилал тарбияни шакллантиришни талаб этарди. Бу ўринда шаҳар партия кенгашининг шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари шаҳар кенгаши ўртасидаги ҳамкорлиги ҳар томонлама қўл келди. Олий ўқув юртларида ва ётоқхоналарда талабалар билан меҳнат ва уруш фахрийларининг учрашувларини ташкил этдик. Тез орада дастлабки самаралар кўзга ташлана бошлади. Қарши Давлат дорилфунуни, педагогика ва тиббиёт билим юртларининг талабалари ўртасида партия сафига ўтиш истагини билдирган ёшларнинг аризалари бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида кўриб чиқилди ва ижобий ҳал этилди.

Шаҳар партия кенгаши ижроия бюросининг қарори билан ёшларнинг дам олиш ва овқатланиш шароитини яхшилаш мақсадида шаҳар партия кенгашининг «Энг яхши ётоқхона» совринни таъсис этилди. Дастлабки совриндорлар аниқланиб, уларга мукофотлар топширилди. Аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ночор оилалар, етим болалар ҳамда бева-бечора, ногиронлар шаҳар партия кенгаши оталиғига олинди. 20 нафар етим болага шаҳар партия кенгаши томонидан ютуқли омонат дафтарчалари топширилди.

Шаҳар партия кенгаши Қарши нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси ҳамда Қарши ёғ-экстракция заводи бошланғич партия ташкилотларининг аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ночор қатламларини ҳимоялаш борасида ташкил этган ишлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Орттирилган тажрибани барча бошланғич партия ташкилотларига кенг ёйиш юзасидан қарор қабул қилинди. Кейинчалик бу борада ташкил этилган ишлар юзасидан «Узбекнефтегазгеология», «Қаршиқурилишиндустрия», «Темир йўл», «Вилоят автотранспорт бошқармаси» бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботлари тингланди. Шу-шу шаҳар партия кенгаши йирик корхона ва ташкилотларда кўчма ижроия бюро йиғилишларини, бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинар-кенгашларини ташкил эта бошлади. Унинг дастлабки натижалари кўзга ташланди. Энг асосийси, халқ ишончини қозона бошладик.

Шаҳар партия кенгаши ўз фаолиятининг учинчи йўналиши этиб, фуқаролар онгига Ватан, Давлат Байроғи, Герби, Мадҳияси, Ўзбекистон Конституцияси ва Республика Президентига бўлган ҳурматни сингдириш, деб белгилади. Бу соҳада тарғибот ва ташвиқот воситаларининг барча синаган усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Оғзаки ва кўргазмали тарғибот, ташвиқот, оммавий тадбирлар, партия аъзолари билан юзма-юз суҳбатларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасида кўрсатилган ва кўтариб чиққан ғояларни сингдиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, янги йилдан мунтазам равишда раҳбар-партия аъзоларини суҳбатдан ўтказа бошладик. Бунда йирик корхона ва ташкилотни бошқараётган партия аъзоларининг дунёқараши, тушунчаси, ўз онгини бойитиш жараёнида қайси нашрлар билан мунтазам танишиб бораётганлиги аён бўлади.

Бугунги кунда шаҳар партия кенгаши ҳисобидаги 208 та бошланғич партия ташкилоти ўз сафига 4024 нафар аъзони бирлаштирган. Шулардан 782 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Қарши шаҳар партия кенгаши ўз аъзоларининг сони жиҳатидан республикада Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Сафларимиз янада ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида шаҳар партия кенгаши иш фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, унинг дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш ниятида ишлаётган эканмиз, шиоримиз битта: «Партия обрўси — менинг обрўйим».

Музаффар ТУРОПОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

• *ХДП ҳаётидан*

ДАСТУР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон ХДП Пахтаобод тумани кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётга татбиқ этилиши» мавзуидаги очиқ мулоқотда туман ҳокимлиги, барча ташкилот ва корхона раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари, мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб раҳбарлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар бир овоздан бу дастур юртимизни буюк келажак сари етакловчи йўлчи юлдуз, деб таъкидладилар.

Андижон вилояти партия кенгаши биринчи котиби Расулжон Мухторов ва профессор Сайфиддин Жалиловлар йиғилганларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФИДОИЙЛИК УЧУН БИР МИЛЛИОН

— Туман партия кенгаши турли тадбирларни ўтказишда бизга яқиндан ёрдам бераётир. Шу боис бошқарувимиз кенгаш ҳисобига бир миллион сўм пул ўтказишга қарор қилди.

Ургут тумани партия кенгаши пленумида «Зарафшон» жамоа хўжалиги раиси, ЎзХДП аъзоси С. Тиллаев ана шундай деди. Умуман, пленум чинакам байрамга айланди. Унда кенгаш аъзоларидан ташқари барча идора ва ташкилот раҳбарлари, ишбилармонлар, жамоа ташкилотлари вакиллари қатнашдилар. Туман кенгаши биринчи котиби И. Бобоев ижроия бюроининг фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Туман ҳокими У. Маҳмадмуродов, ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби И. Суюнов ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар партия обрўсини ошириш, иқтисодий ислоҳот ижросини ғоявий жиҳатдан таъминлашда ХДПнинг роли хусусида мулоҳазалар юритдилар. Яна бир нарса: пленумдан кейин корхона раҳбарлари ҳамда ишбилармонлардан ўн беш киши ЎзХДПга аъзо бўлиш учун ариза бердилар.

Т. ФАРМОНОВ.

ФАХРИЙЛАР РАИСИ САЙЛАНДИ

НУКУС. Бу ерда Уруш ва меҳнат фахрийлари Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси этиб Тўлибой Шербеков, «Ветеран» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси этиб Мамбетназар Ибрагимов сайландилар.

Президиум мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Б. А. Юсупова, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг комитет раиси Р. У. Қалниёзова қатнашди ва шу кунги долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Миллий сармоядорлар*

ҲАР КИМКИ МУРОДИГА ЕТСА...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИҒИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИҚТИСОДЧИ ШЕРБОЙ ЕҚУБОВИЧ ЕҚУБОВ БИЛАН СУҲБАТ

Шербой Ёқубович, ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки энг йирик тижорат банкларидан бири сифатида эътироф этилади. Айтингчи, мазкур банкнинг бугунги ҳамда келажакдаги истиқболлари қандай?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки энг йирик акция — тижорат банкларидан бири саналади. 7500 та ҳуқуқий мақомга эга бўлган ташкилотлар унинг муассиси ва акциядорларидирлар. Республикамизнинг бир қанча вилоятларида, шунингдек, 185 тадан ортиқ туманларида, банкнинг бир қанча шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Ундан ташқари мамлакатимиз ҳудудида жойлашган 32 мингтадан зиёд корхоналар, ташкилотлар ҳамда жамоа хўжаликларига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги кунга келиб банк тизимида 4 мингга яқин ходимлар меҳнат қилишяпти. Шулардан 2700 нафари олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. «Ўздеҳқонсаноат» банки тўғрисида тўхталадиган бўлсак, унинг иқтисодий кўрсаткичларига бир назар ташлаб ўтмасдан бўлмас.

Банкнинг ҳозирги кунгача тўланган устав фонди 26 миллиард сўмни ташкил этади. Яқин вақтгача бир триллион 424 миллиард сўмлик қисқа муддатли кредит маблағлари қишлоқ хўжалиги мажмуасига ва саноат ишлаб чиқаришига сарфланди. Кредит ресурсларини қўпайтириш мақсадида бир йилда 516 миллиард сўмлик маблағлар ишлаб чиқаришга ҳамда халқ турмуш эҳтиёжи учун ажратилади. Умумий берилган қарзларнинг бир триллиондан ортиғи имтиёзли қарзлар бўлиб, аҳоли учун зарур бўлган дон, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа турдаги зарур маҳсулотларни харид қилишга сафарбар этиляпти.

Баъзида қишлоқ хўжалиги ҳар хил табиий офатлардан холи қолмаслиги ҳаммамизга аён. Мен буни шу мақсадда айтиб ўтмоқчиманки, ўтган йил якунига кўра кредит обороти 76 кунни ташкил қилди ёки бироз секинлашди. Оқибатда банк ишини уюштиришда маълум қийинчиликлар юзага келди. Ходимларимиз ишни ташкил қилишда қоқила бошладилар. Натижада жойларда кадрлар фаолиятида салбий кўринишлар пайдо бўла бошлади. Кредит ресурслари бўлмай туриб хўжаликларга кредит бериш, ман этилган операцияларни бажариш ва ўз ишида қўпол хатоликларга йўл қўйиш ҳоллари юз берди. Фақатгина ўтган йил мобайнида 8 та туман банкларининг раҳбарлари юқоридаги сабабларга кўра ишдан четлатилди. Бир қанча интизомий чоралар кўрилди.

— Яқинда матбуотда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Сиз ушбу фармонни иқтисодчи сифатида қандай баҳолайсиз?

— Республикамиз Президентининг иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш ҳақида чиқарган фармони республикамизда тадбиркорликни амалга оширишни жадаллаштириш, савдо-сотиқ ишларини икки томонлама асосда ривожлантириш, халқ учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Айниқса, фармонда айтилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча сармояни банкларнинг кредит ресурслари ҳисобига (хоҳ у сўм купон бўлсин, хоҳ қатъий қийматга эга бўлган хорижий валюта бўлсин) берилиши иқтисодий ислоҳотни жорий қилишда дадил қадам бўлди. Бу ўз навбатида хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш тамойилида белгиланган тадбирнинг амалдаги инъикосидир.

Хорижий давлатлар ишбилармонлари ва жамоалари билан иқтисодий муносабатларни ташкил этишдаги иқтисодий тўсиқларни олиб ташланиши ва қоғозбозликка асосланган кераксиз «рухсатномалар» учун кетадиган вақт эндиги пайтда ишни яхши ташкил қилишга ёрдам беради.

Фармонда белгиланган тадбирларни амалга оширишда банк ходимларининг ҳиссаси беқиёс эканлигини вазиятнинг ўзи кўрсатиб турибди. Чунки банк фақатгина кредит берибгина қолмай, у сотувчи ва сотиб олувчи мижозлар ўртасидаги ҳисобкитобни ташкил қилади. Бу ҳақда масъул бўлган раҳбар ва мутахассис банк ходимлари чуқурроқ ўйлаб кўриши керак. Чунки якка банк ҳокимлиги даврида мамлакатнинг ҳар қандай бурчагидан жўнатилган, тўланган тўлов хати телеграф орқали ўша куннинг ўзида тамол сотган ташкилот ҳисобига етиб келарди. Ҳозирчи? Наҳотки тўланган ҳисоб-китоб тўловларини ўз муддатида мол эгасига етказишни аҳамияти тушунарли бўлмаса? Агар бу муаммо ечилса, ўз навбатида кредитга бўлган талабни бироз камайтиради ва пул оборотини тартибга солишга ёрдам беради.

Мен ўйлайманки, юртбошимизнинг ушбу Фармони биз банк ходимлари тадбиркорлар учун ўз вақтида ва айни зарур вазиятда қабул қилинди.

— Шу жиҳатдан олиб қараганда банк тизимини замон талабига мос равишда ислоҳ қилишда малакали мутахассисларнинг роли ҳам беқиёс. Шундай эмасми?

— Ҳақ гапни айтдингиз. Бунинг учун мустақил, ишни кўзини биладиган банк ходимларини тарбиялаш ва уларни қўллаб туриш керак. Банкларнинг жойлардаги шахобчалари кундалик ишига ҳуқуқи бўлмаган ва кредит, ҳисоб-китоб иши мутахассиси бўлмаган раҳбар ходимларнинг аралашуви маҳаллий банк ходимларининг мустақил иш юритишига путур етказмоқда. Бирор бир ҳудуддаги барча муаммонинг ҳаммасини кредит ҳисобига бир вақтнинг ўзида ҳал қилишни мақсад қилиб қўйиб банкларга таъсир ўтказиш мумкин эмас. Зеро, бу банк ҳақидаги қонуннинг 4- ва 26-моддаларида аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Шу ўринда гап кетганда банк ходимларининг ҳам масъул эканини эсдан чиқармаслик керак. Ҳар қайси банк шахобчаси раҳбари ва унинг мутахассиси ўз ҳудудининг фуқароси эканлигини унутмаслиги керак. Шу боис, у тегишли маслаҳат ва амалий ёрдам йўли билан кўзланган иқтисодий тадбирни амалга ошириш йўлини излаши зарур.

Ҳозир малакали мутахассислар масаласини тўғри ҳал қилиб, кадрлар ишини қайта кўриб чиқиш лозим. «Ўздеҳқонсаноат» банки тизимидаги кадрларнинг қўнимли талабга жавоб берадими деган савол туғилиши мумкин. Бу муаммо мазкур банк тизими ишини анча қийинлаштирмоқда. Кейинги икки йил ичида янгидан жуда кўп банк муассасалари очилди. Масалан, Марказий банк ҳамма кўринишдаги акционер банклар бўлимлари билан бир қаторда ўзининг 300 га яқин тармоқларини ташкил қилди. Ундан ташқари «Тадбиркор» банки тузилди. Ва уни ҳамма туманларда ва республикамизнинг бир қанча вилоятларида шахобчалари ташкил топди. Ана шу банк бўлимлари учун «Ўздеҳқонсаноат» банки ўз мутахассисларини беришга тўғри келди. Шу даврда 1600 га яқин «Ўздеҳқонсаноат» банкининг ходимлари, шулардан 600 га яқини раҳбарий лавозим ва асосий мутахассисликда ишлаётган кадрлар мазкур банкларга ўтиб кетдилар. Натижада бизнинг айрим банк бўлимларимизда ишлаётган ходимларнинг анчагина қисми тажрибаси кам, иш ўрганишга муҳтож кадрлардан иборат бўлиб қолди. Бунинг устига доимо 100—120 лавозим, шу жумладан 25—30 тумандаги банкларнинг бошқарувчилари лавозимига малакали мутахассис йўқлиги учун мазкур ўринлар ҳозирги кунда бўш турибди.

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда «Ўздеҳқонсаноат» банки бошқаруви ва унинг тегишли бўлимлари кадрлар сафини яратиш, уни тўлдириш, малакасини ошириш, тажриба ўргатиш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳар йили 200 га яқин ёш ходимларни сиртқи ва кундузги ўқишларга юбориб, уларни бу соҳа сирларидан воқиф қилмоқда. 250 га яқин ходимлар малака ошириш курсларида ўқитилди. Бир қанча ходимларимиз эса чет эл банкларига тажриба алмашиш ва иш усулларини ўрганиш мақсадида юборилмоқда. Иқтидорли, мактабни тугатган ёш йигит қизлардан 50 га яқини шогирдликка олинди, уларни банк йўлланмаси билан олийгоҳ ва техникумга ўқишга юбориш ишлари йўлга қўйилди.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, банклар учун кадрлар етиштириш ва тайёрлаш иши қониқарли даражада эмас. Айниқса, хорижий пуллар иштироки билан ёки хорижий мижозлар билан бўладиган банк муаммоларини биладиган тайёр ходимлар бармоқ билан санарлидир.

Бугунга келиб, республика ҳукуматининг ишлаб чиққан ва амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодий ва банк ишлари тадбирларини амалда бажариш учун етарли ва билимдон ходимлар даркор. Уларни эса асосан ўзимизда ва ривожланган мамлакатлар банклари иши тажрибаси ва ёрдами асосида вужудга келтириш мумкин. Бу масалалар жадалроқ амалга оширилса мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга банк ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшган бўларди.

Суҳбатдош:
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Баситхон ЛАТИПОВ: — «Тошкентвино» комбинатининг бош директори.

«Ўздеҳқонсаноат» банки билан «Тошкентвино» комбинати 1980 йилдан буён ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. 1991—1992 йилларда комбинатимиз жамоаси 11 миллионлик банк акцияларини сотиб олган эди. Ўтган 1993 йилда мазкур акциядан 1 миллион 285 минг дивидент (соф фойда) олинди. Хуллас, банк билан алоқаларимиз чакки эмас.

Корхонамиз акционер жамиятга айлантирилгандан буён барча муаммолар ва камчиликлар бартараф қилинадиган бўлди. Ҳозирги кунда бизнинг ҳисоб рақамимиз мазкур банк тизимида туради.

Ушбу банк билан 1994 йил мобайнида ҳам акциялар сотиб олишни йўлга қўямиз. Бугунги кунда корхонамиз ҳисоб рақамида 7 миллиард сўмдан ошиқ пулимиз бор. Менинг фикримча, банк акционерларини кўпайтириш зарур. Шундагина ҳамкорлик ишлари кундан-кунга ривожланаверади.

Дилбар УСЛЕМОВА: — «Ўздеҳқонсаноат» банки бошқарувининг халқ хўжалиги соҳаларига қисқа муддатли қарз беришни уюштириш бошқармасининг бошлиғи.

Маълумки, Ўзбекистон агросаноат банкининг кредит манбалари бу йил республика ҳукумати белгилаган тадбирларга кўра, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сафарбар этилади. Бундан ташқари иқтисодиётда мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи деҳқон хўжалиги ва ижара корхоналарни ривожлантиришга ёрдам беради.

Галина БАЯЗИТОВА: — «Ўздеҳқонсаноат» банки бошқарувининг иқтисодий кредит манбалари ва тижорат фаолияти бошқармаси бошлиғи.

Кредит сиёсатининг асосий вазифалари аввало ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга, шунингдек қишлоқда иқтисодий ўзгариш жараёнларини қўллаб-қувватлашга қодир бўлган соҳаларни ривожлантириш мақсадида қарз беришдир.

Акциячилар манфаатларини ҳимоя этиш, банк ишлари даромадлилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида биз хўжаликлар ва жамғармачилар маблағларини сақлаб бериш эвазига кредит манбаларини унумли сафарбар этишга астойдил ҳаракат қиляпмиз.

ЮҚОРИ ДАРАЖАЛИ ХИЗМАТ—ҲАММА УЧУН!

Республикада энг йирик банклардан бири, 1993 йилда 32 миллиард сўмдан ортиқ фойда олган АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКИ сизларни яқиндан ҳамкорлик қилишга таклиф этади ва қуйидаги хизматларни кўрсатади:

— кредитларни қулай шароитлар билан олишингиз мумкин;

— аҳолининг қўйган жамғармаларидан юқори даромад олишларига кафолат беради;

— мижозлар топшириғига кўра ишонч операцияларини амалга оширади;

— факторинг ва лизинг операцияларини бажаради;

— қимматли қоғозлар бўйича операциялар олиб боради;

— лойиҳаларни муҳандислик-иқтисодий экспертизаларини амалга оширади.

— маслаҳатлар беради ва бошқа кўпгина хизмат турларини кўрсатади.

Банкнинг эълон қилинган устав сармояси 75 миллиард сўмни ташкил этади. Республикадаги операцияларнинг ҳар иккинчисини ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНКИ амалга оширади. 7500 юридик ва жисмоний шахслар банк акциядорларидир. Банк республика бўйича 185 та шўъба ва бўлимларига эга. Дунё ҳамда МДҲ мамлакатларининг энг катта банклари билан ҳамкорлик қилади ҳамда корреспондент алоқаларини ўрнатган.

Ўз ишини банк хизмати анъаналари, ходимларнинг юқори омилкорлик даражалари билан уйғунлаштириб, нафақат маблағларни бус-бутун сақлашга, балки самарали фойдаланишга кафолат беради.

• *Бунёдкорлик*

БИР ЙЎЛА ИККИ КОРХОНА

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида яқинда бир йўла икки корхона қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шуниси эътиборлики, буларнинг ҳар иккисини ҳам хўжалик ҳамда ташкилотларнинг ўзлари барпо этдилар.

Жумладан, Навоий номли жамоа хўжалигида 40 ишчи ўрнига эга бўлган ип йигирув корхонаси ишга туширилди. Бу ерда ҳозирча йилига 300 тонна калава ишлаб чиқарилади. Келажакда жамоа маблағи ҳисобига газмол тўқиш корхонасини қуриш режалаштирилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ҳозирча бу қўриқ вилоятдаги пахта толасидан ўз кучи билан маҳсулот олина бошланган дастлабки корхонадир.

Шунингдек, туман марказида бир йилда ўрта ҳисобда бир миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва цехи ҳам фойдаланишга топширилди. Бу ерда асосан тузланган бодринг, помидор ҳамда мева шарбатлари тайёрланади. Буларнинг бари бозор иқтисодига ўтиш даврида аҳоли зич жойлашган туман иқтисодини ривожлантириш, одамларни иш билан таъминлаш ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасига хизмат қилади.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ислоҳот ва одамлар*

МЕҲНАТ ТОТЛИМИ Ё МАНСАБ?

Шойдилла Жуманазаров деган одамни давлат хўжалиги директорлиги лавозимидан олиб ташлаганларига бир йилдан ошди.

Бу «йўқотиш»ни Жуманазаров енгилгина ўтказиб юборди. Ахир, комсомолдан чиққан, ўттиз йилдан нари-бери партиявий номенклатура деб аталмиш имтиёзли доирада жавлон урган одам учун бу ҳолатнинг оғир кечиши табиий эди.

— Тагида хизмат машинаси, атрофида қўша-қўша телефонлару, «лаббай, тақсир» деб турадиган одамлар. Қўлида бўлса ҳамиша неча гектар ернинг ғўзаси чеканка қилиндию, . далага неча арава гўнг ташиб чиқарилди, деганга ўхшаш ярми ёлғон, ярми чин маълумотлар битилган қоғозлар. Мажлислар, муҳокамалар, тўйларда тўрга ўтинг, тўрга ўтинг, деган мулозаматлар...

Лавозимидан кетди-ю... пешонамда бор экан шу ҳам, деб қўл қовуштириб ўтирмади. Мени ишдан «низаконно» олишди, деб тегишли раҳбарларнинг устидан тегишли идораларга ёза бошлади. Даъвосини ҳатто судга билдирди. Ишни охирига етказмасдан, ҳақиқатни топмасдан қўймайман деди. Учқур «Жигули»си билан ойлаб елиб-югурди ва кунларнинг бирида мурод-мақсадига етгандай, ҳақиқатни топгандай бўлди. Ҳақиқат оёғининг остида экан. Нима бўлди денг: Ўзи директор бўлиб ишлаб келган Ғафур Ғулом номли хўжаликдан (Бандихон тумани) уч гектар ерни ижарага олди. Оғайни — қариндошларини, ҳой, бери келинглар, деб, уларнинг ёрдами билан 600 туп хурмо, 500 туп ток кўчатларини ўтқазди. Ерни нима тўйғазишини билади (ҳақиқий агроном-да), ерга олдин органик ўғит тўшаб чиқиб, сўнг ағдарди. Ёрёнғоқ, помидор, эртаги, кечки бўлиб чиқадиган уч хил сабзи, пиёз экди. Ишлай бошлади. Кетмон қўлларини қабартирди. Қуёш елкаларини куйдирди. Олдинига хизмат машинасининг, салқин иш кабинетларнинг хумори тутди. Лекин энди ташлаб кетиш мумкин эмасди. Ишламоқ керак эди. Йигирма йил деҳқончилик саноати идорасини, хўжалик раҳбарлигини эплаб келган Жуманазаров энди уч гектар ерни эплай олмай, қуён бўлиб қолса, бу гап унинг номига ярашмаслигини биров айтмаса ҳам ўзи яхши тушунарди.

Ишлади. Оёғида кирза этик, бошида кенг доирали шляпа, елкасида гоҳи чопону гоҳида камзул, белбоғида тамадди қилишга егулик, қарсиллатиб кетмон урди. Ишлагани сайин суяги енгил тортди. Дўхтирларнинг сизда қанд касаллиги нишона бераяпти, деган гапларини унутиб юборгандай бўлди. Жуманазаров, масалан, қишлоқ хўжалик бошқармаси идорасида бошлиқ бўлиб ишлаган даврларда ўзига боғлиқ бўлган ва бўлмаган жуда кўп ишлар учун жавоб бериши керак эди. Товуқлар туғмай қолса, ҳой, Шойдилла Жуманазарович, сен нима қилиб ўтирибсан, деб саксон икки жойдан сўрай бошлашарди. Мажлисларда, муҳокамаларда унчамунча қойиш, сўкиш, жеркиб гапиришларни кўтарарди. Лекин газеталарнинг танқиди қаттиқ ботарди. Газеталар, Жуманазаров ишламаяпти, ишлашни билмаяпти, деб ёздими, ҳафталаб уйқуси учиб кетарди. Танқидга учрамаслик, мажлисларда сўкиш эшитмаслик учун бўлса керакки, ишлаб чиқариш маълумотларига оид масалаларда ёлғонни эшиб юборган пайтлари ҳам бўлган. Шу, ёлғон гапиришга ўрганганги бўлдими, директорликдан олиб ташлашди. Ана энди ижарадор деҳқон бўлдинг, энди ёлғонни қоплаб гапиравер Жуманазаров...

Бироқ, энди бир оғиз ясама, ёлғон гапга эҳтиёж йўқ экан, ишлайман деган, ишлаётган одам учун кап-катта мажлисларда, ҳой Жуманазаров, тур ўрнингдан, пилонни (режани) нега бажармаяпсан, деган гапларни эшитмайди. Бир куни пиёз униб чиқади — бир қувонади. Помидор қизара бошлайди — икки қувонади. Жуманазаровда помидор бор эмиш, деб декабрь ойида ҳам ҳов Термиз шаҳрининг савдо идорасидан уни йўқлаб келишади. Келганларни Шойдилла деҳқон қуруқ қайтармайди. Бунга уч қувонади. Сабзи узилган пайти — май ойига келиб бозорга шу маҳсулотини таклиф қилади. Пули, даромади ўз йўлига. А, лекин, Жуманазаров деганлари бало экан, унча-мунча деҳқонман деганни йўлда қолдириб кетди,—деган гапни кўринг-да, сиз. Ана меҳнат, ана қувонч, ана мартаба. Ана сизга ҳақиқат!

Яқинда Шойдилла акани учратиб қолдим. Бошида қимматбаҳо мўйна телпак, бўйнида сўнгги расм-русумдаги галстук. Пойабзаллари ялтиллаган. Қадамлари дадил. Қарашлари ўктам. Тиллари бийрон. Ижарага яна 20 гектар ерни қўшиб олмоқчи экан. Бу йил энди қулочни яна кенгроқ олиб ишламоқчи экан.

— Раҳбарлар сиздан миннатдор. Дуруст бир лавозимга кўзлашаётган кўринади, — дейман унга.

— Лавозимнинг, мансабнинг зўрини энди топдим-ку, дейди Жуманазаров кулиб.

— Ҳаммасидан ҳам кўра соғлиғимни тиклаб олдим, оғам. Сенинг кимлигингни эл билса — бўлди, деган қўшиқ бор-а. Эл билди, Жуманазаров ишни эплайдиган йигитлардан эканлигини. Шунинг ўзи... Яна ким билсин, ғайрати бор одамнинг кўнгли унчалик ҳам барқарор бўлмас.

Жуманазаров завқ билан кулди.

Олимжон УСАНОВ.,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Янги газета*

Ҳозир солиққа даҳли бўлмаган одамни топиш қийин. Айтайлик: сиз бирор-бир корхона ёки ташкилотда ишлайсиз. Шу корхона ёки ташкилотнинг давлат билан ўзаро молиявий муносабатлари сизнинг тирикчилигингизда ҳам акс этади. Кейинги йилларда бундай масалаларни қамраб олган ахборотга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Республикада чиқаётган иқтисодий нашрлар бу эҳтиёжни қондиришга ҳаракат қилса-да аммо бундай ахборотлар кўпайиб бораётгани сабабли янги ихтисослашган нашр, яъни

«ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚЛАР ХАБАРНОМАСИ»

«ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚЛАР ХАБАРНОМАСИ»ни чиқаришга эҳтиёж пайдо бўлди.

Ана шу янги молиявий—иқтисодий газетанинг биринчи сони чиқди. У ўз ўқувчилари билан мулоқотни яхши йўлга қўйишдан умидвордир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Тадбиркорликка интеллектуал кўмаклашиш жамғармаси газетанинг муассисларидир. Молия ва солиқ ходими, тадбиркор, хўжалик корхона раҳбари, бухгалтернинг ишбилармонлиги, билимдонлиги — бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг муҳим омилларидандир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга молия, солиқ, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги билимларни эгаллаб олишларида ёрдам бериш газетанинг асосий вазифаларидан биридир. «Ўзбекистон солиқлар хабарномаси» ўз муштарийларининг ишончини қозонишига ишонамиз.

• *Янги топилмалар*

КЎК-САРОЙ СИРЛАРИ

Ўрта аср сайёҳлари (ал-Истахри, ал Муқаддаси, Ибн Хауқал ва бошқалар) Самарқандни бутун дунёнинг маркази деб унинг зилол сувлар тўлиб оқаётган ариқлари, кўм-кўк дарахтлар билан ўралган ҳовузлари, кўчалари, майдонлари ва уларда жойлашган осмонўпар бинолари, хушманзара боғи-бўстонлари ҳамда подшо саройлари ҳақида мақтов сўзларни ёзадилар. Ҳатто, Самарқанднинг бошига пароканда-лик ва инқироз кунлари тушганда ҳам одамлар унинг қудратли ва буюк даврларини эслашган. Самарқанд ўзининг қоғози, ипак матолари, хилма-хил қуруқ мевалари, олтиндек товланиб турган анжиру шафтолилари ва устаси фаранг ишбилармонлари билан жаҳонга машҳур бўлган. У буюк олимлар, шоирлар, машҳур саркардалар ва қўли гул ҳунарманд-усталар номи билан боғлиқдир.

Коинот илмининг йирик намояндаси, Самарқанд астрономия мактабининг асосчиси Мирзо Улуғбек таваллуд топган кунга 600 йил тўлиши муносабати билан шу кунларда Самарқандда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Яқинда вилоят ҳокимлиги биносининг жанубий-шарқида Улуғбекка ёдгорлик-ҳайкал ўрнатиш учун жой тайёрланаётган вақтда XIV асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли ажойиб ер ости сув қурилмаси қолдиқлари— водопроводга дуч келинди. Маълум бўлишича, қурилма лотоксимон сопол қувурлардан иборат бўлиб, тепаси ҳам махсус сопол қопқоқлар билан бекитилган экан. Қувурларнинг туташган жойи махсус цементсимон қоришма («қир») билан сувалган. Шуниси қизиқки, водопровод илон изи шаклида қурилган. Археологик текшириш ишлари давомида иншоотини ташкил қилиб, қалъани шаҳардан ажратиб турган. Қалъада давлат ташкилотлари, қурол-яроғ устахонаси, хазина, зиндон, иккита сарой — Кўк-Сарой ва Бўстон-сарой жойлашган.

Кўк-Сарой Темур давлатининг бош саройи бўлиб, у тўрт қаватли бўлган. Ҳозир ер устида бу саройдан номнишон қолмаган. Сарой ҳақида ўтмиш миниатюралари баъзи бир умумий маълумотлар беради холос. Фақат археологик қазишмалар ёрдамида унинг қолдиқларини топиш мумкин. Кўк-Саройда беҳисоб ажойиб ва ғаройиб антиқавий нарсалар мавжуд бўлган. Лекин, улардан ҳозирги кунларгача фақат битгасигина сақланиб қолган. У ҳам бўлса машҳур (қўкимтир мармардан ясалган) Кўктош бўлиб, ҳозир Гўри-Амир ҳовлисида сақланмоқда.

Археологик изланишлар, юқорида тилга олинган пишиқ ғиштлардан қурилган пойдевор қолдиқлари, товланиб турган кўк сирли кошин плиталар, хилма-хил гуллар солинган сирли кошин идишлар ва лотоксимон водопровод фикримизча Амир Темур қурдирган машҳур Кўк-Сарой комплексига оид бўлса керак. Сополдан ясалган лотоксимон водопровод сарой ҳудудидан чиққан ташлама тоза сувларни қалъа деворидан ташқарига ғидан келаётган сув билан тўла бўлган. Девор ҳандак билан бирга ягона мудофаа иншоотини ташкил қилиб, қалъани шаҳардан ажратиб турган. Қалъада давлат ташкилотлари, қурол-яроғ устахонаси, хазина, зиндон, иккита сарой — Кўк-Сарой ва Бўстон-сарой жойлашган.

Кўк-Сарой Темур давлатининг бош саройи бўлиб, у тўрт қаватли бўлган. Ҳозир ер устида бу саройдан номнишон қолмаган. Сарой ҳақида ўтмиш миниатюралари пишиқ ғишт ҳамда кесилган тошлардан қурилган. Керак бўлганда ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга сопол қувурлардан ташкил топган ер ости водопроводлари ёрдамида тоза сув келтирилган. Кўчалар силлиқланган Чўпонота тошлари билан қопланган.

Тарихий манбалар (ал Муқаддаси, Ибн Хауқал) ва археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришича кўчалар, шаҳар майдонлари, бозорлар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жойлар доимо тозаликда сақланган. Бу ҳақда ал-Ғазали қуйидагича ёзади: **«Шаҳарларда махсус давлат вакили — мухтасиб кўчалар, шаҳар майдонлари, бозорларнинг тозалигини доимо кузатиб турган. Мухтасиб ўрнатган қонун-қоидага мувофиқ кўчага ҳар хил ахлат ташлаш мумкин эмас. Агар кимда-ким кўчага сув сепса лой бўлиб, йўловчилар ҳаракатига халақит бермаслиги ва уйлардан чиққан ювинди сувлар кўчани ифлос қилмаслиги керак бўлган. Қассоблар ўз молини дўкон олдида сўйиб, кўчани қон қилиши ҳам ман этилган. Ҳаттоки қиш ойларида уйларнинг тепасидан кўчага ташланган қор ҳам ўз вақтида шу уй эгаси томонидан олиниши шарт бўлган. Агарда йўловчиларга ҳалақит берса кўчада ўтириш ёки ётиш мумкин эмас эди».** Археологик қазишмалар вақтида юқорида келтирилган маълумотларга қўшимча ҳар бир хонадонда ахлат ва чиқиндилар ташлайдиган 10—15 метрли чуқурлар ва ювинди сувлар учун ташнаулар борлиги аниқланган. Хулоса қилиб айтганда, X—XII асрларда Самарқанд аҳолиси учун бир неча ўнлаб ҳаммомлар, касалхоналар, кир ювадиган (майдони 5600 м²) комбинатлар, атрофи соябон дарахтлар билан ўраб олинган ҳовузлар, дунёга машҳур бозорлар хизмат қилган.

1220 йилда Чингизхон бошлиқ мўғуллар Самарқандни босиб олиб, ўт қўйдилар, уни ер билан баробар қилдилар. Узоқ-яқиндан келган сайёҳлар Самарқанднинг ўтмишини, унинг гўзаллигини ва қудратини эслаб ёздилар. Лекин, жаҳон халқлари цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган Самарқанд халқи ва унинг маданияти сақланиб қолди. Роппа-роса 150 йил ўтгач, Самарқанд 1370 йилда Амир Темур асос солган эртаси буюк давлат ҳисобланган Темур ва темурийлар салтанати пойтахтига айланади. Бу эса Самарқанд номини жаҳон ичра тарқатди ва улуғлади. Натижада, бу ерда яқин ва ўрта Шарқ ижодий кучларининг гули тўпланди. Қурилиш соҳасида ва санъатда янги йўналишлар пайдо бўлди. XIV аср охирларида иқтисодий ва маданий ҳаёт мўғуллар давригача бўлган поғонага кўтарилади.

Самарқанднинг обод, кўркам ва чиройли шаҳарга айланишида шахсан соҳибқирон бобомизнинг роли катта бўлган. Унинг шахсий кўрсатмасига асосан осмонўпар бинолар, бир неча километрга чўзилган савдо расталари ва шаҳар ташқарисида ўндан ортиқ истироҳат боғлари барпо қилинган. Темур қурдирган қурилиш иншоотларининг жуда ҳам оз қисми бизгача етиб келган. Лекин, шунга қарамай Гўри-Амир, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда ансамблидаги қатор ёдгорликлар ўзларининг нафис қилиб безатилган пештоқлари, осмонўпар гумбазлари, уларга битилган ёзувлари ва хилма-хил безаклари билан дунёнинг турли бурчакларидан келаётган ажнабий сайёҳларни ҳозирги кунларда ҳам ўзига мафтун қилмоқда. Улар асрлар давомида янги-янги изланишлар натижасида майдонга келган бўлиб, қурилиш услублари ва жимжимадор безаклари бир олам сирни ўзида мужассамлантирган.

Абдулҳамид АНОРБОЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги археология институти директори ўринбосари.



Ўзбекистоннинг келажаги бугунги ёш авлод қўлида. Болаларнинг ҳар томонлама етук камолати бўлғуси даврнинг руҳини белгилайди. Тошкент Давлат техника дорилфунуни қошида фаолият кўрсатаётган техника лицей-интернати келажак учун замин ҳозирлаяпти, деса бўлади.

Сиз суратда кўраётган лавҳа ана шу лицей ҳаётидан олинган. Информатика асослари дарси ўқувчиларнинг севимли машғулоти. Гарчи бу соҳа ҳали ҳаётимизга сингиб улгурмаган бўлсада, иқтидорли ўқувчиларнинг компьютерларни осон бошқараётгани катта умид уйғотади.

Ҳ. ТОҲИРОВ.

Суратқаш Абдувоҳид ТЎРАЕВ.

• *Халқаро туризм*

САЙЁҲЛАР ОЛАМ КЕЗАДИ

ТОШКЕНТ. Баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ гўзалликка иштиёқманд сайёҳлар олам кезгани сафарга отланадилар. Дунё туризми мутасаддилари ҳам бу соҳада ўзига хос сезгирлик билан иш юритишади. Мавридини билган дунёдаги энг нуфузли Халқаро Сайёҳлар Биржаси яқин кунларда Берлин шаҳрида ўз ишини бошлайди. Мазкур биржа 5 мартдан 10 мартга қадар сайёҳлар кўргазмасини ташкил этади.

Сайёҳлар кўргазмаси ташкилотчиси бўлган «Messe» фирмаси эса юзлаб мамлакатлардан келадиган вакилларга ва кўргазма қатнашчиларига самарали ишлашлари ва жиддий контракт тадбирлари ўтказишлари учун зарур имкониятлар яратиб беради.

Туризм соҳасида ўзининг мустақил сиёсатини олиб бораётган Ўзбекистон ҳам ушбу нуфузли сайёҳлар кўргазмасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбектуризм МК нинг раиси Б. П. Қаюмов бошчилигидаги бир гуруҳ ишчи-мутахассислар кўргазмага боришга жиддий тараддуд кўришмоқда. Имзоланадиган бир нечта битимлардан ташқари МКнинг халқаро алоқалар томонидан бир қатор мамлакатларнинг туризм вазирликлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари боғлаш учун қатор ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Сайёҳлик соҳасидаги бизнеснинг ўз қонунлари бор. Айнан шу масалада Ўзбекистон учун бутун дунё сайёҳлик ташкилотининг ёрдами зарур. Ўтган йили окирида Бали (Филлипин) шаҳрида бўлиб ўтган БСТнинг 10-бош ассамблеясида Ўзбекистон ушбу ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб сайланган эди. Халқаро туристик индустрияси ишбилармонларининг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашаётгани сир эмас. Кўргазма куиларида Ўзбектуризм МК мутахассислари томонидан матбуот конференцияси ўтказилади. Бу конференцияда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасига тегишли бўлган маълумотларгина эмас, балки Ўзбекистон тўғрисида, унинг ижтимоий ва сиёсий аҳволи ҳақида ҳамма маълумотлар берилади.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

• *Акс-садо*

«АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

Мен шундай фикрга келдим. «Узмясомолспецавтотранс» бирлашмасига қарашли Самарқанддаги автобаза тузган ишчи комиссияси рўй берган ҳодиса ишлаб чиқариш жараёнига кирмайди, деб хулоса чиқарган. Ана халос! Ахир Фаҳриддин Самарқандга ўйнагани бормаган эди-ку. У шу автобазанинг режалари тўлсин, фойда кўрсин деган ниятда тонг саҳарлаб хизматини бажараётганди, шу мудҳиш ҳодиса юз берди. Тўғри, Фаҳриддинда ҳам айб бордир. Ўзи шофёр бўла туриб кўчани кесиб ўтадими? Айни пайтда Шовкатга ҳам осон тутиб бўлмайди.

Мен бир жумбоқли саволга жавоб тополмай ҳамон ҳайронман. Айтайлик, милиция, суд ва прокуратура ходимлари хизмат вазифасини бажариб турган вақтида бирор тан жароҳати олса ёки нобуд бўлса (худо ўзи шундан сақласин) уларга давлатимиз товон тўлайди. Нега энди шу давлатга фойда келтирсам деган ниятда ишлаётган шофёрларга ва бошқа касб эгаларига товон пули тўланмайди. Шу ҳақда тегишли ташкилотлар бир ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасмиди.

Корхонамиз республиканинг Сув қурилиши давлат концернига қарайди. Бизда нафақага чиқиб кетганлар, ёки ишлаб чиқаришда тан жароҳати олиб, ногирон бўлиб қолган ходимлар ҳамиша жамоанинг эътиборида. Қандай қилиб бўлса ҳам маъмурият улар кўнглини кўтариш йўлларини излайди. Ҳайит ва байрам кунлари хайрия фондимиздан уларнинг ҳар бирига 10—15 минг сўмдан пул, арафа кунлари эса 2 кг. гуруч, 1—1,5 кг. гўшт (буларнинг ҳаммаси ўзимизнинг ёрдамчи хўжаликдан чиқади) бериб борилади.

Айтмоқчиманки, ўша Самарқанддаги автобазада эҳтимол 200—300 киши ишлар, уларнинг ҳар биридан ақалли 1000 сўмдан пул тўпланганида ҳам анча ёрдам бўлади. Бундан ташқари касаба уюшмаси, бошланғич партия ташкилоти бор.

Гапнинг индаллосини айтсам, ҳар биримиз инсонийлик бурчимизни сидқидилдан бажарайлик. Самарқанддаги автобаза раҳбарларидан илтимосимиз шуки, Фаҳриддиннинг турар жой манзилини бизга ёзиб жўнатсинлар. Биз унга ҳозирги оғир бозор иқтисодиёти даврида қўлимиздан келганича баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатиш ниятидамиз.

Мана, учинчи йил бўлаяптики, ўзлигимизни таниб бораяпмиз. Жонажон Ўзбекистон барчамизники. Шундай экан, ҳаммамиз шу юртнинг фарзандларимиз. Биз бир-биримизга ёрдам бериб яшамоғимиз керак.

Сизларга чуқур эҳтиром билан,
Инъомжон КАРИМОВ,
Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги сув қурилиши жиҳозлари ишлаб чиқариш корхонаси.

• *Дилдаги гаплар*

Ҳурматли газета ходимлари. Мен шу йил 10 февраль пайшанба сонидаги «Тақсимот бузилгач...» сарлавҳали мақолани ўқиб, сизларга чин дилдан миннатдорчилик билдиришни ўз бурчим, деб ҳисоблайман. Халқнинг дардини ёритган ходимингиз Қурбон Алига минг раҳмат.

Мақола муаллифи бор ҳақиқатни ёритган. Қани энди ушбу мақолани ўқиган туманлар катта-кичиклари бирор хулосага келишса, қанчалар яхши бўларди. Сир эмаски, жойларда баъзи кимсалар Президентимиз Фармонларини ва ҳукуматимиз қарорларини бажаришга сидқидилдан ёндошмаяптилар, халқнинг арзу додига, эҳтиёжларига нисбатан сезгирлик кўрсатмаётирлар. Бундай кимсаларни яхшилаб жиловлайдиган пайт келди, деб ўйлайман.

Мен олти нафар фарзанднинг отасиман. Уларнинг ҳаммаси еб-ичадиган, киядиган даври ҳозир. Лекин кийим-кечак ёки пойабзали бу яқин йиллар мобайнида магазиндан олганимизни сира-сира эслай олмайман. Фақат тегишли тақсимот орқали бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларини дўкондан олиб, кун кечириб турибмиз. Айтмоқчиманки, халқ манфаатларини менсимаётган кимсаларнинг хулқ-атворини кўрсатадиган мақолалар кўпайсин. Шундагина сизлар республика раҳбариятига янада кўпроқ амалий ёрдам кўрсатган бўласизлар.

Ҳурмат билан
Нурбобо МАМЕДОВ.

Яқинда Оқолтин туманида «Ҳуррият» деб номланган чойхона фойдаланишга топширилди. Чўлқуварлар унинг хизматидан мамнун бўлишаётир. Чойхона ошпази Шаробиддин Қозоқов эса кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. У буюртма асосида таом тайёрлайди.

СУРАТДА: ошпаз Шаробиддин Қозоқов.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

• МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

ШУНДАЙ КИШИЛАР БОР БЎЛСИН

Ёшим 55 да, ёлғиз яшайман. Бунинг устига иккинчи гуруҳ ногиронман. Киши кексайгандан кейин тез-тез касалга чалинавераркан. Аксига олиб дори-дармонлар анқонинг уруғи бўлиб қолмоқда.

Қийин даврларда бирор кимсанинг андак бўлса ҳам эътибори киши қалбини илитар экан. Нурота шаҳридаги марказий дорихона мудири Нусрат Жўраев шундай кишилардан бири. У ёлғиз қариялар ҳамда ногиронларга алоҳида эътибор беради. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бизга ўхшаганларга зарур дори-дармонларни топиб беради. Ҳали шу вақтгача бирорта ҳам илтимосим ерда қолганлигини ёки қўполроқ муомала қилинганлигини эслай олмайман.

Ҳурматли бош муҳаррир, газетангиз орқали Нусрат Жўраев ва у бошлиқ дорихона ходимларига менга ўхшаган ёрдамга муҳтож кишиларнинг чин дилдан айтган миннатдорчилик сўзларини етказишингизни сўрайман.

Лидия ИЗВЕКОВА,
Нурота шаҳри.

СПОРТ

СОВРИН УЧУН КУРАШ

● Ўзбекистон полвонлари Индонезияда ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли беллашдилар.

Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари кубоги учун ўтказилган бу мусобақада курашчилар эркин усулда баҳслашдилар. Наманганлик Рустам Мамажонов, тошкентлик Рамил Исломов, Рамил Атаулин, Руслан Хинчаговлар вазнларига кўра ғолиблик супасига кўтарилишди.

ОЛТИН ВА КУМУШ

● Москвада курашнинг дзюдо тури бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.

Туркия, Япония, Мўғулистон, Голландия, Словакия ва МДҲ мамлакатларининг полвонлари қатнашган бу мусобақада Ўзбекистон вакиллари ҳам маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, тошкентлик Армен Богдасаров мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. А. Мухторов эса 60 кг вазнли полвонлар орасида кумуш медаль соҳиби бўлди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● Орзиқиб кутилган дамлар яқинлашмоқда. Мухлислар мавсумолди учрашувларни диққат билан кузатмоқдалар.

Ўзбекистон футболини ривожлантириш ва довруғини ошириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Республика футбол уюшмасининг бош котиби С. Эшмуҳамедовнинг Малайзия сафари ҳам самарали кечди. Ў ерда Осиё мамлакатлари футбол уюшмаларининг семинари ўтказилди. Ҳозир Тошкентда халқаро турнир ўтказиш мўлжалланмоқда. Бу мусобақада Марказий Осиё республикалари ҳамда Осиё мамлакатларидан бирининг футболчилари иштирок этиши кўзда тутилган. Фарғона водийсида ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Анъанавий мавсумолди мусобақалари кўтаринки руҳда ўтди. «Нефтчи» ва «Навбаҳор» жамоаларининг қатнашмаганига қарамай учрашувлар ишқибозларда яхши таассурот қолдирди. Бу сафар Қўқоннинг «Темирйўлчи» футболчилари биринчи бўлишди. Пахтакорчилар эса Находканинг «Океан» жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб (3:1), ғалаба қозондилар. Маълумки, бу жамоага И. Секеч устозлик қилмоқда. Ўтган куни Москвада яна бир қизиқарли учрашув бўлди. «Спартак»чилар Испаниянинг «Барселона» клубини қабул қилишди. Лига чемпионлари кубоги учун ўтказилган бу ўйинда 2:2 ҳисоби қайд этилди.

ХАРЧИНОМА

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Сайфиддин ТОШПЎЛАТОВИЧ!

Таваллуд топган кунингизга 50 йил тўлиши, илмий педагогик фаолиятингизнинг 25 йиллиги муносабати билан дўстларингиз, шогирдларингиз, ҳамкасбларингиз ҳамда барча ёр-биродарларингиз номидан чин қалбимиздан мубораксбд этамиз. Ишингизга муваффақият, чинордек умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Тошкент Давлат Аграр университетида ёшларга билим ва тарбия беришдаги сермашаққат меҳнатингизда Сизга ҳамиша иқбал-ҳаёт тилаб:

БИР ГУРУҲ ТАЛАБАЛАРИНГИЗ.

Жамғарма банки

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Собиқ Иттифоқ жамғарма банки сертификатлари эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасалари томонидан берилган сертификатларни барча жамғарма банклари 1994 йил 1 апрелгача сотиб оладилар. Сертификатлар бўйича компенсация тўловлари ва фоиз даромадлари шартларга асосан тўланади.

Жамғарма банки муассасаларига сертификатларини сақлаш учун топширган фуқаролар ҳам, жамғарма банкларига шу йилнинг 1 апрелигача ўз сертификатлари қийматларини олиш учун мурожаат қилишлари лозим.

1994 йил 1 апрелдан сўнг сертификатлар тўловга қабул қилинмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

Тошкент вилояти Занги ота туманидаги «ДУСТ-ДЕҲҚОН» компаниясининг думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент архитектура-қурилиш институтининг маъмурияти ва «Олий ва амалий математика» кафедраси жамоаси кафедранинг катта ўқитувчиси Раъно Хушбековага отаси **Аҳмаджон ХУШБЕКОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди— 22.00.

Навбатчилар: И. СУЛАЙМОНОВ, Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

123456.